



Бир киши ишли бўлгани, ўн киши ризқли дегани

3-с.

Қаерда бўлсангиз ҳам, маҳаллангиз борлигини ҳис қилиб туринг...

5-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

Маҳалла

№43
(2371)

2026 йил
27 МАЙ,
ЧОРШАНБА

WWW.UZMAHALLA.UZ

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Мухтарам ватандошлар!
Сиз, азизларни, юртимиздаги барча мўмин-мусулмонлар, бутун халқимизни бугунги улуг айём – муборак Қурбон ҳайити билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Тинчлик, меҳр-оқибат ва саховат байрами – Йид ал-Адҳа муқаддас динимиз моҳиятида мужассам бўлган эзгу ғоя ва амалларни яққол ифода этган ҳолда, ҳозирги кунда мамлакатимизда инсонпарварлик руҳида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларимизнинг маъно-мазмунига уйғун ва ҳамоҳанг экани билан барчамиз учун янада азиз ва қадрили бўлиб бормоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, қўп-миллатли юртимизда осойишта-

лик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, ёрдамга муҳтож инсонлар, мухтарам нуронийлар, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, маҳалла ва хонадонларни обод қилишга қаратилган ишларимизда Қурбон ҳайитининг эзгу анъаналари куч-ғайрат ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлаш лозим.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва бой маданий қадриятларини, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг илмий-маърифий меросини, ислом динининг асл моҳиятини ўрганиш ва тарғиб этиш борасидаги ишларимиз янги босқичга кўтарилмоқда. Бунни яқинда халқимиз ва юртимиз меҳмонлари учун ўз эшикларини очган азим

пойтахтимиздаги Ислом цивилизацияси маркази, Самарқанддаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси, Марғилон шаҳридаги Бурхониддин Марғиноний илмий-маърифий ва туризм мажмуаси каби Янги Ўзбекистон мўъжизалари бўлган ноёб обидалар мисолида яққол кўриш мумкин.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги муҳим тарихий қадамлар бўлиб, улар бизни янада катта сафарбарлик билан ҳаракат қилишга даъват этади.

Ҳурматли дўстлар!
Юртимизда диний этиқод эркинлигини таъминлаш учун яратиб берилаётган қулай шароитлар туфайли ушбу мунаввар кунларда 15 мингдан зиёд ватандошлари-

миз муқаддас ҳаж амалларини адо этмоқда. Бу йил тарихимизда илк марта “Президент ҳожилари” дастури жорий этилганидан ҳабарингиз бор. Ушбу дастурга мувофиқ, эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қилган 100 нафар юртдошимиз – уламолар, нуронийлар, маҳалла фахрийлари ҳамда уларнинг оила аъзолари муборак ҳаж сафарига бориш имкониятига эга бўлдилар.

Мана шу саодатли онларда барча ҳожиларимизни Қурбон ҳайити билан қўллаб, ибодатлари қабул бўлишини Аллоҳ таолодан сўраб қоламиз. Муқаддас зиёратдан қайтиб келадиган бу ҳурматли юртдошларимиз эзгулик ва маърифат тарғиботчилари сифатида оила ва маҳаллаларимизда, бутун

жамиятимизда олиб бориладиган маънавий-тарбиявий ишларда фаол иштирок этадилар, деб умид қиламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, дунёнинг турли мамлакатларидаги мусулмон дўстларимиз ва ҳамкорларимизга ҳам қизгин қўтловларимизни йўллаб, уларга тинчлик, равнақ ва фаровонлик тилаб қоламиз.

Азиз ватандошлар!
Қурбон ҳайити муносабати билан бу йил ҳам бир неча кундан иборат дам олиш кунлари белгиланди. Байрам кунларида ҳам элимиз хизматида, Ватан сарҳад-

ларида ўз вазифасини масъулият билан адо этаётган юртдошларимизга алоҳида миннатдорлик билдирамиз.

Чет элларда таҳсил олаётган ва ишлаётган ватандошларимизни ҳам самимий табриклаб, уларнинг барчасига эзгу тилакларимизни изҳор этамиз.

Эл-юртимизни шундай қўтлуғ айёмга тинчлик-омонликда ва ҳамжиҳатликда етказгани учун Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин! Илоҳим, Яратган парвардигор эл-юртимизни ўз паноҳида асрасин! Қурбон ҳайити барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҲАМКОРЛИК

МАҲАЛЛАДА ФУТБОЛ ЧИНАКАМ ХАЛҚ ҲАРАКАТИГА АЙЛАНАДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси,
Ўзбекистон футбол ассоциацияси ва
Ёшлар ишлари агентлиги ўртасида
ҳамкорлик меморандуми имзоланди.



Мазкур меморандум мамлакатимизда оммавий футболни янги босқичга олиб чиқиш, “Ҳар бир маҳалла — футбол майдони” ғоясини амалда рўйбга чиқариш ҳамда ёшларни спортга кенг жалб этишга хизмат қилади.

Ҳамкорлик доирасида маҳаллаларда “Маҳалла лигаси” футбол мусобақалари йўлга қўйилиб, улар кўчалардан бошланиб, маҳалла, туман-шаҳар, ҳудудий ва республика босқичларигача давом этади. Ушбу тизим орқали 6 миллиондан ортиқ ўқувчи ва ёшларни футболга жалб этиш, иқтидорли футболчиларни саралаш ҳамда профессионал клублар учун мустаҳкам захира яратиш мақсад қилинган.

Шунингдек, мусобақаларда иштирок этувчи жамоалар футбол экипировкалари ва зарур инвентарлар билан таъминланади, маҳаллалардаги футбол майдонлари хатловдан ўтказилиб, майдон мавжуд бўлмаган ҳудудларда янги спорт майдонлари барпо этилади. Ҳолиб жамоалар, мураббийлар ва фаол иштирокчилар эса муносиб тақдирланади.

“Маҳалла лигаси” нафақат спорт мусобақаси, балки ёшларни ватанпарварлик, жамоавийлик, интизом ва ғалабага интилиш руҳида тарбиялайдиган муҳим ижтимоий лойиҳа сифатида аҳамият касб этади.



АРДОҚДАГИ АЁЛЛАР БЕЗАБ ТУРАР ОЛАМНИ

4-с.

ТАШАББУС

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ!

“Ҳар бир маҳалла —
футбол майдони” дастури
умуммиллий ҳаракатга айланади!



Ўзбекистон халқи узоқ кутган, авлодлар орзу қилган тарихий воқелик рўй берди: мамлакатимиз миллий терма жамоаси футбол бўйича жаҳон чемпионатиغا йўлланма олди. Бу шунчаки спорт ютуғи эмас. Бу — миллат руҳи, давлат сиёсати, ёшлар ишончи ва тизимли ислохотларнинг амалий натижасидир. 34 йиллик орзунинг ушалаши миллионлаб юртдошлар қалбида ғурур, ишонч ва улкан илҳом уйғотди.

Дарҳақиқат, футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасининг АҚШ, Мексика ва Канадада бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатиغا чиқиши мамлакатимиз спорт тарихида мутлақо янги саҳифа очди. Бугун юртдошларимиз нафақат ғалабадан қувонмоқда, балки унинг ортида турган меҳнат, интизом ва давлат эътиборини ҳам чуқур англамоқда.

Қўп йиллар давомида ўзбек футболда иқтидор бўлса-да, тизимли ёндашув, замонавий инфратузилма ва очиқ саралаш тизими етиш-

маслиги сезилиб келарди. Кейинги йилларда бу соҳада туб бурилиш ясалди. Спортга, хусусан, футболга давлат сиёсати даражасида қаратилаётган эътибор бутун тизимни янгиллади. Жойларда 200 дан зиёд йирик спорт иншоотлари, 4 мингга яқин хусусий спорт клублари иш бошлагани, 1,5 мингдан ортиқ маҳаллада спорт майдончалари барпо этилгани ана шу ислохотларнинг амалий ифодасидир.

Давоми 2-саҳифада.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАҲРИБАНГИЗ БОР?

МАҲАЛЛА ИШИНИНГ ЯНГИ ФАЛСАФАСИ: Қўл чўзиш эмас, қад ростлаш муҳим!

Маҳаллаимизда 3 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади ва ҳар бир оиланинг ҳаёт сифати, даромади, кайфияти ҳамда ижтимоий барқарорлиги биз учун энг муҳим мезон ҳисобланади. Шу боис маҳаллада олиб борилаётган ҳар бир иш, қабул қилинаётган ҳар бир қарор, аввало, инсон тақдири нуқтаи назаридан баҳоланади.



Давоми 2-саҳифада.

БУГУНГИ
СОНДА:

Инсонпарварлик
тамойили
ҳаёт ҳақиқатининг
мезонига айланган

Маъмурий
юклама камаяди:
тадбиркорлар учун
қандай енгилликлар бор?

6-с.

7-с.



Тошкентдан ҳудудларга Қурбон ҳайити муносабати билан яна 28 та ҚЎШИМЧА АВИАҚАТНОВ йўлга қўйилади.



Ўзбекистон Қурбон ҳайити арафасида Афғонистонга ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ЮБОРДИ.



МАҲАЛЛАЛАР ИХТИСОСЛАШУВИДАН келиб чиқиб, бизнес ғояларини шакллантирувчи “АI маслаҳатчиси” дастури ишга туширилади.

2

Mahalla №43

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

2026 йил
27 МАЙ,
ЧОРШАНБА

ТАШАББУС

Жаҳон чемпионатига йўл маҳалладан бошланади!



Мансур БЕКМУРОДОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси маслаҳатчиси, социология фанлари доктори, профессор.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Энг муҳими, футбол фақат катта шахарлар ёки махсус академиялар доирасида қўлиб кетмади. У маҳаллаларга кириб борди. Оддий оилалар фарзандлари учун ҳам катта футбол сари йўл очилди. Натижада хаваскор футболчилар сони 5 миллионга етди, мунтазам шугуullanувчилар 1 миллион 300 мингдан ошди. Бу рақамлар ортида минглаб ёшларнинг орзуси, интилиши ва меҳнати мукассам.

Яна бир муҳим жиҳат — футбол тизимида шаффофлик таъминланганидир. Илгари кўп муҳокама қилинган коррупция, таниш-билишчилик, адолатсиз саралаш каби оғриқли муаммоларга қарши қатъий чоралар қўрилди. Энг иқтидорли, энг муносиб ёшлар майдонга чиқиши учун имконият яратилди. Бу эса, ўз навбатида, терма жамоамизда рақобат, интизом ва ватанпарварлик мактаби сифатида таърифлади. Бу ёндашув футболга фақат натижа нуқтаи назаридан эмас, балки жамият тарбиясининг муҳим воситиси сифатида қаралаётганини аниглади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 22 май куни миллий терма жамоа аъзолари, мураббийлар штаби ва спорт жамоатчилиги билан учрашувда айтган фикрлари бугунги ислохотларнинг мазмун-моҳиятини янада теран очиб берди. Давлатимиз раҳбари футболни нафақат спорт, балки ёшлар тарбияси, соғлом турмуш тарзи, интизом ва ватанпарварлик мактаби сифатида таърифлади. Бу ёндашув футболга фақат натижа нуқтаи назаридан эмас, балки жамият тарбиясининг муҳим воситиси сифатида қаралаётганини аниглади.

Айниқса, “Хар бир маҳалла — футбол майдони” дастурининг бошланаётгани келажак учун улкан стратегик қадам бўлди. Чунки бу ғоя футболни фақат профессионал ареналар ёки йирик шахарлар билан чеклаб қўймасдан, уни хар бир маҳалла, хар бир оила, хар бир ёш ҳаётининг ажралмас қисмига айлантиришни назарда тутди.



“Маҳалла лигаси”нинг ташкил этилиши эса бу тизимнинг амалий ва энг таъсирчан қисми бўлади. 12-17 ёшли ўғил-қизлар ўртасида маҳалла футбол жамоаларининг тузилиши, мусобақаларнинг “маҳалла — туман — вилоят — республика” босқичлари асосида ўтказилиши футболда мутлақо янги саралаш тизимини шакллантиради. Бу орқали иқтидорли ёшлар чекка ҳудудда яшашидан қатъи назар, ўз иқтидорини намоён қилиш имконига эга бўлади. Энг муҳими, футбол минглаб ёшларнинг ҳаёт тарзига айланади.

Бугунги ғалаба — фақат бугуннинг ютуғи эмас. Бу — эртанги катта зафарлар учун йўл. Чунки футбол майдонида ғалаба қозонган миллат, аввало, ишончини қўлга киритади. Ўз қучига ишонган жамият эса ҳар қандай соҳада юқсалишга қодир бўлади.

Шу маънода Ўзбекистон миллий терма жамоасининг жаҳон чемпионатига чиқиши бутун халқни бирлаштирган, юрт ифтихорига айланган воқеадир. Энди олдимизда янада катта мақсадлар турибди. Аммо энг муҳими, мамлакатимизда бу мақсадларга олиб борадиган мустақкам тизим, қучли ирода ва ишонч пайдо бўлди.

Демак, ўзбек футболи учун энг буюк ғалабалар ҳали олдинда.

ҲАФТАЛИК

БУ МАСКАНДА ЎТГАНЛАРГА ЭҲТИРОМ БОР, ҚАДРИЯТЛАР БАРҲАЁТ

Жорий йилнинг 16-26 май кунлари мамлакатимиз маҳаллаларида “Аждодларимиз, ота-оналаримиз, ўтганларимизга ҳурмат бажо келтириш, уларнинг қабрларини обод қилиш ҳафталиги” ўтказилди.

Жамшид НАЗАРБОВЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бош мутахассиси.

Қабристон — оддий бир маскан эмас. У инсонни тафаккурга қорлайдиган, ҳаётнинг ўткинчилигини аниглаётган, қалбни юмшатиб, инсонни маънавий покликка етказиб берадиган муқаддас жойдир. Шу боис қабристонлар доимо пок, тартибли ва обод бўлиши керак. Инсон бу масканга борганда руҳий енгиллик, хотиржамлик ва таскин ҳис қилиши лозим.

Афсуски, айрим ҳудудларда қабристонларнинг қаровсиз қолиши, қуриб кетган ўт-ўланларнинг тозаланмаслиги, ички йўлакларнинг таъмирталаб аҳволга келиб қолиши каби ҳолатлар учраб келаётган эди. Бу эса марҳумлар хотирасига нисбатан бефарқлик сифатида қабул қилиниши табиий. Шу нуқтаи назардан, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида бошланган мазкур ҳафталик халқимизнинг маънавий ҳаётида муҳим аҳамият касб этди.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Дин ишлари бўйича қўмита, Ёшлар ишлари агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда “Нуроний” жамғармаси ҳамкорлигида хар ҳафтанинг шанба-якшанба кунлари қабристонларда ёшлар иштирокида “Халқ ҳашарлари”ни ташкил этиш яхши анъанага айлантирилди. Энг муҳими, бу жараёнларда ёшларнинг фаол иштироки таъминланиб, улар қалбида аждодларга ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат туйғуси мустаҳкамланмоқда.



Ҳафталик доирасида амалга оширилган ишлар қўлама эътиборга молик. Республика бўйича 10 минг 563 та қабристонда ободонлаштириш режалари ишлаб чиқилди. Натижада 14 минг гектардан ортиқ ҳудуд тозаланди, 9 685 та сағана, 5 389 та девор ва панжаралар таъмирланди, қарийб бир миллионга яқин қабр сувоқ қилинди. 9 689 километр ариқ-зовурлар ва 3 894 километр ички йўлаклар тартибга келтирилди. Бу ишларга 3,5 миллиондан ортиқ фуқаронинг ихтиёрий асосда жалб этилган халқимизнинг биримлиги ва эгуликка дахлдорлик ҳисси қанчалик қучли эканини яна бир бор намоён қилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, бу саъй-ҳаракатлар фақат бир марталик акция сифатида эмас, балки тизимли ва узлуқсиз жараён сифатида давом эттирилади. Ҳафталик яқунлари асосида 8 992 та маҳаллада аниқ “йўл хариталари” ишлаб чиқилди. Шунингдек, Дин ишлари бўйича қўмита билан ҳамкорликда жорий йил 15 майдан 15 июнга қадар “Долзарб бир ойлик” эълон қилиниши ҳам ушбу ишлар изчил давом этишидан далолат беради.

Айниқса, жорий йил 21 май куни қабул қилинган “Қабристонларни

ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги Ҳукумат қарори соҳада мутлақо янги тизимни шакллантиришга хизмат қилади. Унга қўра, 2027-2029 йилларда бу мақсадлар учун 1,6 триллион сўм маблағ йўналтирилади.

Шунингдек, QR-кодлар орқали онлайн хайр-эхсон қилиш тизимининг жорий этилиши ва маҳалла фуқаролар йиғинларига ободонлаштириш бўйича ташаббус қўрса-тиш ваколати берилгаётгани соҳада замонавий ва шаффоф тизимлар йўлга қўйилаётганини аниглади.



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Абдурахмон ЧОРИЕВ, Олтинсой туманидаги “Баркамол авлод” маҳалласи раиси.



Орий йилнинг ўтган даврида маҳаллаимизда ишсизликни қисқартириш йўналишида 60 нафарга яқин фуқаро даромадли меҳнатга жалб этилди. Бу кўрсаткич ортида индивидуал ёндашув, хар бир инсоннинг имконияти ва қизиқишини ўрганиш, уни шунчаки “ишсиз” сифатида эмас, балки аниқ меҳнат субъекти сифатида қўриш тамоийли этиди. Илгари ишсизлик фақат рўйхатларда акс этган бўлса, бугун у маҳаллада аниқ ечим топаётган ижтимоий масалага айланган.

Йил бошида 13 та камбағал оила мавжуд эди, бугун уларнинг барчаси бу тоифадан чиқарилди. Бу ерда муҳим жиҳат шундаки, ёндашув фақат моддий ёрдам билан чекланмади. Даромад манбаларини яратиш, касбга ўқитиш, меҳнатга жалб этиш ва оилаларнинг мустақил иқтисодий барқарорлигини таъминлаш устувор бўлди. Бу маҳалла ишининг янги фалсафасини кўрсатади: инсонни ёрдамга боғлаб қўйиш эмас, уни мустақил қила оладиган шароит яратиш муҳим.

Ижтимоий барқарорлик нуқтаи назаридан энг эътиборли жиҳат, бу — маҳаллада жиноятчилик қузатилмагани, оилавий ажралиш ҳолатлари кайд этилмаганидир. Бу ҳолатни фақат статистик ютуқ сифатида эмас, балки профилактика, ишонч муҳити ва аҳоли билан узлуқсиз мулоқот тизимининг натижаси сифатида баҳолаш тўғри бўлади.

Маҳалла ишида яна бир муҳим мушоҳада шуки, хар қандай тизим қанчалик мукаммал бўлмасин, инсон омили ҳал қилувчи ўринда қолади. “Еттилик” ёки бошқа бошқарув тизимлари самараси ҳам айнан масъулларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги ва аҳоли билан муносабат маданиятига боғлиқ. Шу жиҳатдан ҳам маҳалла бошқаруви ишонч, ҳамкорлик ва масъулият асосланган жонли жараёндир.

Эътиборли жиҳати шундаки, бу саъй-ҳаракатлар фақат бир марталик акция сифатида эмас, балки тизимли ва узлуқсиз жараён сифатида давом эттирилади. Ҳафталик яқунлари асосида 8 992 та маҳаллада аниқ “йўл хариталари” ишлаб чиқилди. Шунингдек, Дин ишлари бўйича қўмита билан ҳамкорликда жорий йил 15 майдан 15 июнга қадар “Долзарб бир ойлик” эълон қилиниши ҳам ушбу ишлар изчил давом этишидан далолат беради.

Айниқса, жорий йил 21 май куни қабул қилинган “Қабристонларни



Ўзбекистонда
тадбиркорлар учун
ЯГОНА КРЕДИТ
ПЛАТФОРМАСИ
ишга туширилади.



Ижобий кредит тари-
хига эга тадбиркорлар
учун ГАРОВСИЗ
МИКРОКРЕДИТ ЛИМИТИ
100 миллион сўмдан
200 миллион сўмгача
оширилади.



Ҳар йили фаолиятини
кенгайтирган ва юқори
натижа кўрсатган
100 та тадбиркорлик
субъектига 300
МИЛЛИОН СЎМГАЧА
ГРАНТ ажратилади.

2026 йил
27 МАЙ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №43

3

“ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!”

КАШҚАДАРЁ

ТАШАББУС

Халқимиз хазинасига айланган
бу каби нақллар билиб айтилган.
Бунга фаолиятимнинг дастлабки
йилидаёқ гувоҳ бўлдим.
Боиси ҳудудда ишсизлик
кўрсаткичи юқори, аҳоли, асосан,
деҳқончилик билан банд эди.

БИР КИШИ ИШЛИ БЎЛГАНИ, ЎН КИШИ РИЗҚЛИ ДЕГАНИ



Ҳабиб СУЛТОНОВ,
Қарши туманидаги
“Ўзбекистон мустақиллиги”
маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Мауммонинг ечими оддий — одам-лардаги дунёқарашни ўзгартириш, уларни тадбиркорликка жалб этиш. Шу боис ишни ҳунарли, савдо-сотикдан хабардор фуқароларни тадбиркорлик билан шуғулланишга жалб этишдан бошладим. Аввалига пул сарфлаб, бирор бизнесни бошлашдан ҳайиқишди, кредит олишга иккиланишди. Аста-секин ён-атрофидаги маҳалладоши тадбиркорларга яратилаётган имкониятдан унумли фойдаланганини кўргач, вазият ўзгарди. Улар ҳам бу иш қўлидан келишига ишонди. Аста-секин талабгорлар пайдо бўлди. “Еттилик” кўмакдан тўхтамади. Шу тарзда хизмат кўрсатиш шохобчалари, дўконлар сони ортиб, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланди. Ишли бўлган ҳар бир инсон орқали оилаларга ризқ кириб борди.



Мухими, остонамизга “ишсизман”, деб келган мурожаатчини дангасаликка ўргатмасдан, фойдали иш билан банд бўлишини таъминладик. Улар “олма пиш — оғзимга туш” қабилада яшайдиган давр ўтгани, ҳаракат қилган одам яхши яшашини аглаб етди.

Мисол учун, Шерали Амиркулов 100 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, пластик идишлар ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйди. Учта микромарказ ташкил этиб, 5 та янги иш ўрни яратди. Эндиликда тадбиркор фаолиятини кенгайтириб, яна 20 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлаш ниятида елиб-юғурмоқда.

Маннон Зикриёев ҳам 100 миллион сўм имтиёзли кредит маблағига ўз ҳисобидан 200 миллион сўм қўшиб, акфа эшик ва ром ишлаб чиқарадиган корхонага асос солди. Қўшимча 5 та иш ўрнига Ижтимоий реестрдаги хотин-қизларни жойлаштирди. Бундан ташқари, 25 нафар фуқарога ҳам турли хил кўринишдаги моддий кўмак берилди. Натижада улар ишсизлар рўйхатидан чиқарилди.

Бандликни таъминлаш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда иссиқхона-чиликдан ҳам самарали фойдаланмоқдамиз. Ҳозир деярли ҳар икки хонадоннинг бирида иссиқхона бор. Қишда ҳам меҳнат қилишни истаган деҳқонлар уч мартаба ҳосил олишади. Улар етиштирган маҳсулотлар қишнинг совуқ кунларида халқимиз дастурхонига етказиб берилади.

Бир таклифим бор. Агар ҳоким ёрдамчиларига хорижий давлатлардан зарур жиҳозларни тўғридан-тўғри олиб келиш ваколати берилса, вақт ва маблағ тежалар эди.

Ҳар қандай ташаб-
бусга унинг натижаси-
га кўра баҳо берила-
ди. Шу маънода бугун
маҳалламиздаги ўзга-
ришларга қараб, кўн-
гил таскин топади.

Араббой ЭРГАШЕВ,
Қўштепа туманидаги
“Деҳқонобод” маҳалласи
раиси.



Ўш, бу ютуқларга
қандай эришдик?

Аввало, хонадан чиқиб, хонадонларга кириб бордик. Юзма-юз суҳбатларда аҳоли муаммосига ўз кўзимиз билан гувоҳ бўлдик. Шунга асосан, аниқ ва мантилли ёрдам кўрсатдик. Энг муҳими, лоқайдлик иллатига барҳам бериб, инсонлар дунёқарашини ўзгартирдик. Улар яхши яшаш ҳар қимнинг ўзига боғлиқлигини тушуниб етди. “Қўлимдан нима ҳам келарди”, эмас, “барини уддалайман”, деган қатъий ишонч шаклланди.

Камбағаллик ва ишсизликни қисқартириш учун



“Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида ихтисослашувга эришдик. Аҳоли узумчилик, чорвачилик, қосибчилик ортидан яхши даромад топмоқда. Жумладан, Бахтиёржон Аҳмаджонов чорвачилик фаолиятини йўлга қўйган. Унга “Бизнесга биринчи қадам” лойиҳаси асосида 15 миллион сўм имтиёзли кредит маблағи ажра-

тилди. Натижада ўзи ва оила аъзоларининг бандлиги таъминланди. Қувонарлиси, “маҳалла еттилиги” ходимлари ташаббус кўрсатиб, янада яхши кўрсаткичларга эришилмоқда. Мухими, жараёнда барча имконият ишга солиняпти. Иқтидори борлар қўлаб-қувватланмоқда, касби йўқлар ўқитилмоқда, шогирд қилиб

бириктирилмоқда.

Инфратузилма билан боғлиқ муаммолар ҳал этилгани имкониятимизни янада кенгайтирмоқда. Мисол учун, жорий йил “Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки иштирокида “Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш



ФАРҒОНА

чора-тадбирлари тўғрисида”-ги Президент қарорига мувофиқ, 5,9 миллиард сўм маблағ ажратилди.




Ушбу маблағ эвазига электр таъминоти янада яхшиланди, 12 километр ички йўллар асфальтланди. Лойиҳанинг 2-босқичида яна 5 та кўчани асфальтлаш ишлари давом этмоқда. Бундан ташқари, 46 та хонадон ичимлик сув билан таъминланди.

Маҳалла том маънода тадбиркорлик, бизнес ғоя ва лойиҳалар марказига айланиб бормоқда. Хусусан, ҳудудга хос ҳунармандчилик соҳаси жадал ривожланяпти. Янги иш ўринлари қратилгани ва маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига аҳоли бандлиги таъминланмоқда.

ТАВСИЯ

Қовун ва тарвузни вақтида экинг, ҳосили мўл бўлади



Ҳар бир полиз маҳсулотидан юқори ҳосил олиш учун, аввало, уни вақтида экиш тавсия этилади. Жумладан, аини шу кунлар кечки қовун ва тарвуз экиш учун қулай муддат.

Шодмон НАМОЗОВ,
Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори.

Албатта, бу жараён ҳудудларга кўра, фарқланиши мумкин. Масалан, марказий ҳудудларда 15 майдан 10 июнгача, жанубий вилоятларда 10-20 июнь, шимолий ҳудудларда 30 майгача бу ишни амалга оширса бўлади.

Эгат қатор оралари 210-280 см. кенгликда олинади. Бу палакларнинг яхши ривожланиши ва қуёш нурларидан самарали фойдаланиш имконини беради. Уруғлар 3-6 см. чуқурликка қадалади. Агар нам тупроққа экилса, ниҳоллар униб чиққунча сугориш талаб этилмайд.

Яганалаш, тупроқни юмшатиш, озиклантириш, чопиқ қилиш, сугориш, палакларни тўғрилаш, бегона ўт ва зараркунандаларга қарши кураш энг муҳим парвариш босқичлари ҳисобланади.

Яганалаш икки босқичда — чин барг чиқарганда ва биринчи чопиқ вақтида амалга оширилади. Ниҳоллар униб чиққанидан 20-25 кун ўтгач, яъни 2-3 та чин барг ҳосил қилганда биринчи чопиқ ўтказилади, сугорилади, ўғит билан озиклантирилади. Иккинчи чопиқ 25-30 кундан кейин амалга оширилади. Вегетация давомида қатор оралари 4-5 марта юмшатилади. Бўз тупроқли ерларда ҳар сафар 4-5 метр куб сув ҳисобидан 8-9 марта сугориш тавсия этилади. Сизот сувлари юза жойлашган майдонларда эса бу амал 4-5 мартагача камайтирилади.

Илмий қузатувларга кўра, тарвуз ва қовун экинларида ортиқча намлик илдиз чириши ҳамда мева ширинлигининг пасайишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис сугоришда меъёрни сақлаш муҳим.

Ҳар бир маҳаллада — келажак бунёдкори бор!

Пойтахтимизда Президент соврини учун ўтказиладиган “Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” касбий маҳорат миллий танловининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Лойиҳада 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган техникум ва олий таълим муассасалари талабалари, шунингдек, вақтинча банд бўлмаган аҳоли вакиллари иштирок этади.

Танлов меҳнат бозорига энг талаб юқори бўлган 10 та замонавий йўналишни қамраб олган. Эътиборли жиҳати, танлов маҳалла тизими билан узвий боғланган ҳолда ташкил этилган. Биринчи босқичда ҳар бир маҳалладан касблар кесимида 3 нафардан номзод саралаб олинди. Танловга бўлган қизиқиш ниҳоятда юқори бўлди. Маҳаллалар кесимида 270 минг нафар йигит-қиз, техникумлар кесимида эса 11 минг нафар ўқувчи ариза топширди.



Уч босқич асосида ташкил этилган танловнинг финал босқичида энг кучли иштирокчилар ўзаро беллашади. 1-, 2- ва 3-урин соҳиблари БҲМнинг 10 бараваридан 20 бараваригача, амалиёт устозлари БҲМнинг 60 бараваридан 100 бараваригача миқдорда бир марталик пул мукофотлари билан тақдирланади.

Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.



Намангандаги гуллар фестивали “Жамоа бўлиб бир ой давомида энг кўп экилган гуллар” йўналишида ГИННЕС РЕКОРДИНИ ЎРНАТДИ.



ИСЛОМ ҲАРАҚИЁТ БАНКИ Ўзбекистонда қиймати 3 миллиард долларлик 20 та лойиҳани амалга оширади.



Илмий даража бериш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш орқали ОРИҚЧА БЮРОКРАТИК ТАРТИБЛАР қисқартирилади.

4

Mahalla №43

2026 йил 27 МАЙ, ЧОРШАНБА

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”



ХОРАЗМ



ЖИЗЗАХ

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Оила можаросида руҳшуносга зарурат кўп

Маҳалламиз тумандаги энг обод гўшалардан бири. “Еттилик” вакилларининг фидокорлиги, жонкуярлиги сабаб кундан-кунга эришаётган ютуқларимиз салмоғи ортиб борапти. Айниқса, хизмат кўрсатиш йўналишида ташкил этилаётган янги тадбиркорлик йўналишлари фуқароларнинг фаровон турмуш кечирishiга замин яратмоқда.

Санобар БОБОЖОНОВА, Хива шаҳридаги “Янги ҳаёт” маҳалласи раиси.

Айни вақтда ҳудудимизда 20 та давлат ташкилоти фаолият юритаётган бўлса, 2 та гастрономик кўча кечаю кундуз халқ



хизматида. 20 тадан ортиқ тикув цехи опа-сингилларимизнинг доимий бандлигини таъминлашга ёрдам берапти. Жорий йилдаги йирик лойиҳалардан бири сифатида Сардорбек Жуманиёзов очган ўкув марказини мисол келтириш мумкин. Тадбиркор бу ташаббуси орқали ёшларнинг илм эгаллаши

учун кенг имконият яратиб берди. Айни вақтда марказда 20 нафар кишининг доимий бандлиги таъминланган. Қолаверса, 200 нафардан ортиқ бола қизиқишидан келиб чиқиб, 8 та тил йўналиши бўйича таҳсил оляпти. Мавриди келганда йигит-қизларимизнинг эришаётган натижаларига тўхталиб

ўтмасак бўлмайди. Мана, уч йилдирки, улар “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг теннис ва стол тенниси спорт турлари бўйича республика миқёсида ғолибликни қўлдан бермаяпти. Шу орқали маҳалламизда бир нечта воркаут стадионлар қурилиши бўйича имтиёзларга эга бўлдик.

Артурбек Қутлимуродов эса қаратъ бўйича Малайзияда бўлиб ўтган чемпионатда ғолибликни қўлга кири-тиб, олимпиадада қатнашиш учун йўланма олди. У саккиз йилдан буён мазкур спорт билан мунтазам шуғулланиб келяпти. Меҳнатлари самараси ўлароқ, доим шоҳсупанинг юқори поғоналарини забт этипти.



Маҳалламизда хунармандчиликнинг қўлолчилик йўналишида фаолият юритадиган аҳоли вакиллари ҳам кўп. Улар ҳудудимизга ташриф буюрадиган сайёҳларга ўзига хос миллий маданиятимизни эсталик учун ясаган хайкалчалари орқали намойиш этишади.

Хусусан, Отабек Шарифбоев ота-онаси ва турмуш ўртоғи билан бирга ҳам қизикарли машғулот билан банд, ҳам мўймай даромад манбаига эга. Донаси 15-20 минг сўмдан 50 минг сўмгача сотиладиган хайкалчаларнинг асосий харидорлари сайёҳлардан иборат.



Аҳоли вакиллари билан ишлаш жараёнида оилавий келишмовчиликлар масаласига жуда кўп дуч келамиз. Уларга муносиб ечим топиш учун психологлар кўмагига эҳтиёж тугиляпти. Бундай вазиятларда кўпинча “Инсон” маркази мутахассисларига мурожаат қиламиз. Лекин туман миқёсида фаолият юритгани учун уларнинг иш вақти жуда тигиз. Шу боис маҳаллаларда психолог фаолияти йўлга қўйилса, ажралишларнинг олдини олиш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича яхши натижаларга эришган бўлардик.

ДАРОМАД МАНБАИ

Тотувликда қилинган меҳнат, тўкин-сочинликка бўлади рағбат

Бугун меҳнаткаш, тадбиркорлиги, тиниб-тинчимаслиги, оилавий ҳамжиҳатлиги билан кўпчиликка ўрнак бўлиб келаётганлар ораимизда оз эмас.

Ҳилола ТЎҚСОНОВА, Шофиркон туманидаги “Тинчлик” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

ундайлардан бири маҳалламизда яшовчи Камоловлар оиласидир. Хонадон аъзоларининг томорқачилик, пиллачилик, паррандачилик ва асаларичиликда эришаётган ютуқлари эътиборга лойиқ.

Ёшлигидан “суяг меҳнатда қотган” хонадон соҳиблари 12 сотихдан иборат томорканинг ҳар қаричидан унумли фойдаланиб, баракали ҳосил етиштириб, аввало, рўзгор эҳтиёжини қондирмоқда. Томорқанинг 2,5 сотих қисмида субсидия асосида замонавий иссиқхона ташкил этилган бўлиб, жорий мавсум унда 700 туп ҳосилдор помидор қўчати парвариш қилинмоқда. Ҳадемай, бу ердан 1,5 тоннадан ошириб сархил ҳосил олиш кўзланган. Очиқ ердаги картошка эса деярли тайёр бўлган.

Шу кунларда хонадонда пилла терими қизгин паллада. Ҳашарда кўни-қўшни, қариндош-уруғ ҳам-жиҳатлиги яққол кўзга ташланади. Ҳисоб-китобга кўра, пиллачиликнинг ўзидан қарийб 10 миллион сўм соф фойдага эришиш режалаштирилган.

Хонадонда қўшимча даромад манбаларидан яна бири — асаларичилик. Ҳозирда бу манзилда парваришланаётган асалари уяси 20 тага етказилган. Ҳар бир қутидан 12-14 килограммга етказиб, йилда икки марта асал тортиш мавсумида 500 килограмдан ошириб бол оли-нади. Қарабсизки, бу ҳам оила учун 45 миллион сўмдан кам бўлмаган даромад келтирмоқда.

Баракали уй ҳўжалиги соҳибаси Мўхайё Раҳимованинг тиниб-тинчимаслиги туфайли хонадонида кичик инкубатория ҳам ташкил этил-



ган бўлиб, унда ҳар мавсумда 500 бошдан ортиқ “қора шаҳзода” ва бошқа турдаги жўжалар чиқарилмоқда. Бу инкубатория хизматидан кўни-қўшни ҳам баҳраманд.

Алоҳида катакларда парваришланаётган жўжаларнинг ҳар бири ўртача 40 минг сўмдан сотилаётгани, 50 бошга яқин товукнинг туҳумга кираётгани ҳам меҳнаткашлар учун қўшимча моддий манфаат келтирмоқда.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Миллий бренд харажатлари қандай қўллаб-қувватланади?

Малоҳат ТОЛИПОВА, Тошкент шаҳри:

— Миллий брендимни яратмоқчиман. Бугунги кунда миллий брендлар билан боғлиқ қандай харажатлар қоплаб берилади?

Азиза ЮСУПОВА, “Савдони ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти мутахассиси:

— Вазирлар Маҳкамасининг “Саноат соҳасида миллий бренд эгалари ҳамда нуфузли халқаро брендлар ҳамкорларини Савдога кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, миллий бренд эгаларига ишлаб чиқариш ва бизнес жараёнларини автоматлаштириш учун сарфланган харажатларнинг бир қисми қоплаб берилади.



Қуйидаги харажатлар молиявий қўллаб-қувватланади:

- ишлаб чиқариш ва бизнес жараёнларини автоматлаштиришга қаратилган ахборот тизимларини жорий қилиш;
- CRM, ERP ва CERM каби замонавий рақамли ечимларни сотиб олиш ва амалиётга татбиқ этиш харажатлари.

Белгиланган тартибга кўра, амалга оширилган харажатларнинг

50 фоизи қоплаб берилади. Бу бир ташкилот учун бир календарь йилида 10 000 АҚШ долларидан ошмаслиги лозим.

Мазкур қўллаб-қувватлаш чораси миллий бренд эгаларига бизнес жараёнларини рақамлаштириш ва автоматлаштиришда муҳим туртки беради. Натижада самарадорлик ошади, инсон омили билан боғлиқ хатолар камаяди ва бошқарув тизими янада шаффофлашади.

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

АРДОҚДАГИ АЁЛЛАР БЕЗАБ ТУРАР ОЛАМНИ

Эрта тонгда идорага йўл олар эканман, кўча супураётган аёллар билан бироз гурунғ қиламан. Тўғрироғи, уларга қўлоқ тутаман. Айримлари турмуш ўртоғининг қаттиққўллиги, ўртада келиб чиққан низолар ҳақида гапириб кўз ёш тўқади. Бу вазиятда баъзан нима дейишни билмай қоламан. Умидбахш сўзлар билан далда бераман. Муаммони бартараф этиш йўлларини тушунтираман.

Моҳира ШАРОПОВА, Бахмал туманидаги “Оқтош” ва “Нуробод” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

Аслида, юзага келган келишмовчиликка фақат эркак ёки аёл сабабини бўлмайдми. Бунда тарафларнинг етарлича ҳиссаси бор. Қузатувларимга асосланиб айтишим мумкинки, қўпол, муомала маданиятини билмайдиган хотинлар жуда кўп. Баъзилари эридан бир оғиз ширин сўзини қизғонади. Аксинча, спиритли ичимликка ружу қўйган, оила ва фарзандлар олдидаги масъулиятини унутган оталар ҳам анчагина. Бундай муаммоли масалаларга ечим топиш учун психологлар ёрдами керак бўляпти. Феъл-атвордаги номунасобилкларни бартараф этишда уларнинг кўмаги қатта бўлиши аниқ.

Айни вақтда иккита маҳалламиз ҳудудида 3 400 нафар хотин-қиз истикомат қилади. Уларнинг асосий фаолият тури чорвачилик бўлиб, уйда қорамол боқади. Соғин сигирининг сути ва қатиғини пуллаб, яхшигина даромад топади. Жорий йилда 45 нафар аёлга имтиёзли кредит ажратилган бўлса, кўпчилиги шу йўналишда иш қўламини кенгайтирди.



“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар ўртасида бўлиб ўтган “Энг яхши ижтимоий лойиҳа” танловида маҳалладошларимиз Нодира Равшанова ҳамда Мавжуда Жамоатова ғолибликни қўлга кири-тиб, 24 миллион сўмдан пул мукофоти-га эга бўлишди. Иккиси ҳам 3 нафардан иш ўрни яратган. Бири қандолат маҳсулотлари тайёрласа, биттаси яримтайёр таомлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

Ўз устида ишлаётган, қувонарли натижаларни қўлга киритаётган опа-сингиллари-мизга жуда ҳавасим келади. Ҳар дақиқасидан унумли фойдаланишга урганган, ўз қизиқишларини тўла намоён этаётган аёлларнинг хонадони тинч, дастурхони тўкин-сочин. Шу боис доим ёнимга шикоят қилиб келганларни ишлашга, меҳнат қилишга ундайман. Ахир халқимиз бекорга “Ҳаракатда — барокат”, демаган.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМХЎҲАЕВА тайёрлади.



Бу йил республика бўйлаб қарийб 472 МИНГ НАФАРДАН ЗИЁД ЎҚУВЧИ 11-синфни тамомлади.



Ўзбекистонда 2025 йилда БОЛАЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК бўйича 666 та жиноят иши кўриб чиқилди.



Ўзбекистонда ўқувчиларни БИР МАКТАБДАН БОШҚА МАКТАБГА КЎЧИРИШ ХИЗМАТИ 26 майдан 31 июлгача вақтинча тўхтатилади.

2026 йил
27 МАЙ,
ЧОРШАНБА


Mahalla №43

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Китобга ошно маҳаллада тафаккур чароғи сўнмайди!



Бугун маҳалламиз ҳақида гап кетганда, аввало, одамларимизнинг меҳнаткашлиги ва ҳамжиҳатлигини фахр билан тилга оламан. Аҳоли, асосан, деҳқончилик, чорвачилик ва тадбиркорлик билан шуғулланади.

Назиркул ЖАЙЛОВЕВ,
Зомин туманидаги
“Фаллакор” маҳалласи раиси.

Кейинги йилларда то-морқачилик маданияти анча ривожланди. Одамлар ернинг қадрига етиб, ундан унумли фойдаланишни ўрганди. Шу билан бирга, маҳаллада саноат йўналиши ҳам аста-секин ривожланипти.

Сунгги йилларда маҳалламиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Электр таъминоти яхшилаш мақсади-да 9 та трансформатор ўрнатил-

ди, 110 та янги симёғоч қўйилди. Натижада аҳоли хонадонларига электр токи сифатли етиб бор-моқда. Ичимлик сув муаммоси ҳам ўз ечимини топди — 4 та қудуқ қазилиб, аҳолининг тоза оби-ҳаётга бўлган эҳтиёжи қондирилди. Бундан ташқари, “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида уч маротаба голиб бўлдик. Ушбу маблағлар ҳисобидан икки ма-ротаба йўллар асфальт қилинди ҳамда маҳалла учун янги бино барпо этилди.

Ёшлар масаласи доимо энг устувор йўналиш бўлиб кел-ган. “Беш ташаббус олимпиада-си”да 10-синф ўқувчиси Жасур-бек Абдуғафоров республи-

ка миқёсида фахрли 1-ўринни эгаллаб, автомобиль ютгани биз учун катта қувонч бўлди. Унинг китобга бўлган меҳрини кўриб, ич-ичимдан фахр туяман. Энг қувонарлиси, бугун унга эргашиб китоб ўқишга қизиқаётган ёшлар сони ортган. Кутубхоналаримиз ёшлар учун доимо очик. Бар-ча оилаларда ҳам китобхонлик муҳити шаклланиб бораётгани мени жуда қувонтиради.

Маҳалламиз аҳли жуда уюш-қоқ. Айниқса, баҳор мавсумидаги ҳашарларда буни яққол кўриш мумкин. Қабристон атрофлари ободонлаштирилади, кўчалар тозаланади. Саховатпеша фуқа-ролар ташаббуси билан икки ои-лага ҳашар йўли билан уй пой-девори қуриб берилди, яна бир хонадон таъмирланди. Қам таъ-минланган оилалар ва ёрдамга муҳтож фуқаролар ҳеч қачон эътибордан четда қолмайди. Бу—халқимизнинг азалий қадрият-лари, меҳр-оқибат ва бирдамли-гининг амалий ифодасидир.



ЖИЗЗАХ



Албатта, муаммолар ҳам йўқ эмас. Баъзан оилаларда турли тушунмовчиликлар, ёш келинларнинг янги муҳитга мослашишида қийинчиликлар ёки моддий етишмовчилик сабабли низолар учраб туради. Аммо бундай ҳолатларда нурунийлар, маҳалла фаоллари ва оқсоқоллар билан биргаликда муаммоларни тезда бартараф этишга ҳаракат қиламиз. Менимча, раис ва масъуллар халқ ичиди бўлиши, ҳар бир хонадоннинг дарди билан яшаши керак.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

ҚАЕРДА БЎЛСАНГИЗ ҲАМ, МАҲАЛЛАНГИЗ БОРЛИГИНИ ҲИС ҚИЛИБ ТУРИНГ...

САМАРҚАНД

Маҳалламиз, асосан, чорвачилик ва деҳқончиликка ихтисослашган бўлиб, ёшларнинг асосий қизиқиши ва даромад манбаи ҳам шу йўналишларга боғланган. Ҳаётини тажрибам шуни ўргатдики, ёшга фақат насихат билан эмас, имконият билан ёрдам бериш керак. Ёш ўзини керакли ҳис қилса, унинг ичидаги ишонч ҳам, ҳаракат ҳам ортади.



Фарҳод БЕРДИЕВ,
Иштихон туманидаги
“Мохпар” маҳалласи
ёшлар етакчиси.

У мақсадда маҳалла-миздаги бир қанча ёшларга амалий кўмаклар бе-рилди. Масалан, Олим Қўш-муродовга пайвандлаш уску-наси олиб берилди. Шаҳризода Эшмуродова аввал нон цехи фаолиятини йўлга қўйган эди. Айрим сабаблар туфайли иш фаолияти тўхтаб қолди. Шу вази-ятда мен бир нарсани англадим: айрим пайтларда ёшларга мод-дий ёрдамдан ҳам кўра, улар-нинг ёнида турадиган инсон керак бўлади. Биз унга 30 сотих ер ажратиб бердик. Ҳо-зир у сабзавот ва полиз экинла-

ри етиштириб, даромад қилмоқда. Қишлоқ шароитида имкониятнинг ўзи ҳам катта бойлик. Фақат уни тўғри йўналтириш керак.

Яна бир ёш йигит — Шерзод Аб-дувахобовга 24 миллион сўм имти-ёзли кредит олишига кўмаклашдик. У мотоцикл харид қилиб, аҳолига юк ташиш хизматини йўлга қўй-ди. Шу билан бирга, фермада ҳам ишлайди. Мен ёшлар билан ишлаш давомида шуни кўрдимки, уларга тайёр йўлни кўрсатиб қўйиш эмас, ўзи оёққа туришига ишонч бериш муҳимроқ. Бунга Шерзод мисолида амин бўлдим.

Ёшлар билан ишлаш менга завқ беради. Уларнинг фикрлари, орзу-лари, оддий саволлари ҳам одам-ни ўйлантиради. Баъзан энг яхши гояларни айнан ёшларнинг ўзи-дан оламан. Шунинг учун, менимча, ёшлар билан кўпроқ суҳбат қилиш керак. Агар уларни ўзингизга яқин-лаштирсангиз, улар сизга дўстдек очилади. Узоқ тўтсангиз, ичидаги дардини ҳам, ниятини ҳам билиш қийин бўлади.

Маҳалламиз тинч ҳудуд ҳисоб-ланади. Жиноятчилик ва ҳуқуқбу-зарлик деярли учрамайди. Лекин яна бир оғриқли масаламиз бор — ёшларнинг кўпчилиги миграцияда. Асосан қурилиш соҳасида ишла-моқда. Мен улар билан доимий он-лайн мулоқот қиламан, ҳолдан ха-бар оламан. “Қийналмаяпсанми?”, “Ишларинг яхшими?” деган оддий саволлар ҳам уларга далда бўла-ди. Чунки ёшлар қаерда бўлмасин, уларни эслайдиган маҳалласи бор-лигини ҳис қилиши керак.



Яна бир оғриқли муаммо — маҳаллада спорт майдонларининг йўқлиги. Ҳудудда воркаут ёки замонавий спорт майдони мавжуд эмас. Ёшлар кечки пайт мактаб ҳовлисида шуғулланишади. Аммо мактабнинг ўзида ҳам етарли спорт шароити бўлмагани учун қийналяпти.

Менимча, ёшларни ёмон йўлдан қайтариш учун, аввало, уларнинг вақтини фойдали машғулот билан тўлдириш керак. Шу боис келгусида маҳалламизда ёшлар учун замона-вий спорт майдони, китобхонлик бурчаклари ва касб-ҳунар ўрганиш марказларини ташкил қилиш ния-тидамиз. Чунки бугунги ёшга бе-рилган эътибор — эртанги куннинг энг катта ютуғи бўлади.

Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Шахноза
ХАЛИЛОВА
тайёрлади.



ЖАРАЁН

ҲАР БИР ЁШ ТАҚДИРИДА ДАВЛАТ МЕҲРИ ВА ҒАМХЎРЛИГИ МУЖАССАМ



Президентимизнинг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида маҳаллаларда ёшлар етакчилари фаолияти йўлга қўйилди. Энг муҳи-ми, бу орқали ёшларнинг муаммо-сини маҳалланинг ўзида эшитиш ва ҳал қилиш имконияти яратилди.

С.РИСБЕКОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Конимех тумани бўлими бошлиғи.

Конимех туманида ҳам бу борада муайян ишлар амалга ошириляпти. Ҳозирги кунда туманда 6 минг 768 нафар йигит-қиз истикомат қилади. Уларнинг 3 минг 850 нафарини кизлар ташкил этади. Жория йилнинг ўтган даври мобайни-да ер майдони олиш истагини билдирган 36 нафар ёшга амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ишсиз ёшлар билан манзил-ли ишлаш натижасида 65 нафар ёш турли соҳаларга ишга жойлаштирилди.

“Ёшлар дафтари” орқали келиб туш-ган мурожаатлар ҳам доимий эътиборда. Хусусан, 3 та мурожаат ўрганилиб, 19 мил-

оширди, балки ўзбек тилининг глобал интернетдаги мавқеини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилди. Бугунги кунда ахборотнинг асосий қисми интернет орқали тарқала-ётган бир пайтда, миллий тилдаги сифатли контентнинг кўпайиши жуда муҳим ҳисобланади. Чунки интернетдаги маълумотлар ҳаж-ми ва сифати тилнинг халқаро миқёсидаги ўрнига бевосита таъ-сир кўрсатади. “WikiSfera” дои-расида ўзбекча Википедиядаги мақолалар сонининг 340 мингдан ошиб, жаҳон рейтингда 38-ўрин-га чиқishi ҳам бу йўналишдаги иш-ларнинг самарали натижасидир.

Таҳлил қиладиган бўлсак, “WikiSfera” каби лойиҳалар ёшларни фақатгина интернет ис-теъмомлиси эмас, балки фойдалаи контент яратувчисига айланти-ради. Бу эса танқидий фикрлаш, ахборотни текшириш ва илмий манбалар билан ишлаш мадания-тини шакллантиради. Энг муҳими, лойиҳа орқали ўзбек тилидаги ил-мий ва тарихий маълумотларнинг интернетдаги улуши ортиб, кела-жак авлод учун ишончли рақамли манба яратилмоқда.

Ёшлар ишлари агентлиги Бўстонлиқ туманидаги Ёшлар оромгоҳида ташкил этган “WikiSfera” оромгоҳи ёшлар-нинг рақамли саводхонлиги-ни ошириш ва ўзбек тилида-ги интернет маконини бойи-тишга қаратилган муҳим та-шаббуслардан бири бўлди.

Шахноза ХАЛИЛОВА.

Ушбу лойиҳа Википедия билан ишлаш кўникмаларини ри-вовлантириш орқали ёшларни илмий, маърифий ва ижтимоий жиҳатдан фаолликка ундади. Рес-публиканинг турли ҳудудларидан келган 120 нафардан ортиқ йи-гит-қиз мақола яратиш, манбалар билан ишлаш ва таҳрирлаш жара-ёнларини амалий ўрганиб, ўзбек-ча Википедияга илк ҳиссаларини қўшди. Натижада очиқ энциклопе-дия 60 мингдан ортиқ янги таҳрир билан бойиди.

Мазкур лойиҳа нафақат ёшлар-нинг билим ва тажрибасини

ЯНГИ НАФАС

“WIKISFERA”
ИЛМ ВА ИЖОДГА ЧОРЛАЙДИ



Ўзбекистонда илк бор
МАСОФАДАН ТУРИБ
РОБОТ ОПЕРАЦИЯСИ
амалга оширилди.



2030 йилгача
ҲАР БИР БОШ
НАСЛДОР БУЗОҚ
УЧУН 700 минг
сўмдан субсидия
берилади.



Кўп квартирали
уйларга хизмат
кўрсатганлик учун
ТУЛОВЛАР НАҚД
ПУЛДА ҚАБУЛ
ҚИЛИНМАЙДИ.

6

Mahalla №43

2026 йил
27 МАЙ,
ЧОРШАНБА

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОИЙ
БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

Инсонпарварлик тамойили ҳаёт ҳақиқатининг мезонига айланган

Умрни бежизга дарёга қиёслашмайди. У шунчалар тез ва шиддатлики, бир он бўлсин ҳаракатдан тўхтатиш имконсиз. Бу жараёнда ҳар ким ҳар турли йўлни танлайди. Кимдир ўзининг бахтли ҳаётини қуриш, орзуларини рўёбга чиқаришни афзал кўрса, айримлар эзгулик улашиш, инсонларга ёрдам қўлини чўзишни маъқул билади. Маҳалла тизимида фаолият юритаётган ходимлар айнан шундай фидойи кишилардир.

Шарофат ҚУРБОННИЁЗОВА,
Амударё туманидаги “Олмасор”
махалласи ижтимоий ходими.

Маҳалламизда 150 нафар ногиронлиги бўлган шахс рўйхатга олинган бўлиб, 87 та оила Ижтимоий реестрга киритилган. Уларнинг 18 таси бевосита давлат таъминотига олинган бўлса, яна 6 та оила камбағаллик чегарасида кун кечирмоқда.

Мазкур оила ва шахслар билан манзилли ишлаш тизимли равишда йўлга қўйилган. Жумладан, яқиндаги-на 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган фуқаролар — Сарвиноз Ортиқбоева, Норгул Тожибоева ва Шоҳида Кукланова-



ларнинг хонадонига ташриф буюриб, уларнинг яшаш шароити, соғлиғи ва кундалик аҳволидан хабар олди. Жорий йил бошидан буён бир қатор ногиронлиги бўлган шахсларга махсус аравача, қўлтиқтаёқ, ҳасса, эшитиш мосламаси каби турли хил протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари етказиб берилди. Айниқса, ногиронлиги бўлган болага замонавий қўл протезининг тақдим этилиши, нафақат гўдакнинг, балки бутун оиланинг ҳаётига қувонч олиб кирди.

“Фаол ҳаётга қадам” дастури дои-

расида 3 нафар 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс кундузги қатнов асосида қараб туриш хизматида жалб қилинган ва бунинг натижасида уларнинг ижтимоийлашуви таъминланмоқда. Ёш авлод тарбияси ва уларнинг таълим олиши учун тенг имкониятлар яратиш мақсадида маҳаллада “Илк ривожланиш маркази” ўз фаолиятини бошлади. Бу марказ мактабгача таълим тизимига қамраб олинмаган болаларни, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, эҳтиёжманд оила фарзандларини бепул таълимга жалб қилишдек эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.



Маҳалладаги алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган 2 нафар бола инклюзив синфларда таҳсил олишни бошлади. Бундан ташқари, Вази́рлар Маҳкамасининг тегши́ли қарорига мувофиқ, 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган ногиронлиги бўлган болалар учун кундузги парвариш хизмати Амударё туманида ҳам ташкил қилинган бўлиб, ушбу хизматга маҳалладан 1 нафар ногиронлиги бўлган бола жалб этилди.

Маҳаллада истиқомат қилувчи таъйиқ ва зўравонликдан жабрланган 7 нафар аёлга ҳам маҳалланинг хотин-қизлар фаоли ҳамада “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази психологлари ҳамкорлигида зарур психологик маслаҳатлар берилиб, оилалардаги нотинчликларга барҳам беришга яқиндан қўмаклашилмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, давлатимиз жорий этган ижтимоий хизматлар тизими бугун ўзининг ёрқин ва ижобий самарасини бермоқда. Маҳалламизда олиб борилаётган бу каби кенг қўламли, манзилли ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган ишлар шунчаки қорғоздаги ҳисоботлар эмас, балки минглаб инсонларнинг ҳаётини яхши томонга ўзгартираётган, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаётган ҳаётий ҳақиқатдир.

ИНТИЛГАНГА ИМКОНИАТ ЧЕКСИЗ

Меҳнат қиладиган одам баҳона изламайди

1974 йилда туғилган Шокир Равшанов ҳозирги кунда Жондор туманининг Ибн Сино номидаги маҳалласида яшайди.



Зарнигор НАФИДДИНОВА,
журналист.

Ҳаётининг энг кучга тўлган даврида бахтсиз ходиса туфайли тўшаққа михланган Шокир акани тақдир зарбалари енга олмади. Икки йил давомида танасини ўзига бўйсундириб, этикдўзликни ўрганди ва 30 йилдан буён шу касб билан шуғулланиб келяпти. Ҳалол меҳнати ортидан ҳовли-жой қурди, тўйлар қилиб ўғлини уйлантирди, энг олди машиналарни минди.



Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Шаҳноза РАҲИМХҲҲАЕВА
тайёрлади.

— Меҳнат қилсанг, ҳурмат, обрў топасан, — дейди Шокир ака. — 1994 йилдан буён шу хунар билан даромад топаётган бўлсам, ҳозирда нафақат ўзимни маҳаллам, балки узоқ-яқин 15-20 та қишлоқлардан буюртма қабул қиламан. Ҳам янги этик тикаман, ҳам эскиларини таъмирлайман. Ўтган вақт давомида 30 нафардан ортиқ шогирд тарбияладим. Ҳаттоки, ака-укаларимга ҳам хунаримни ўргатдим. Шунини алоҳида айтишим керакки, би-

рор марта маҳаллагами, ҳокимиятгами ёрдам сўраб борган эмасман. Меҳнат қилиш учун фақат хоҳиш керак, оёқларимни яхши ишлатолмаслигим баҳона бўла олмайди.

Бир нафар фарзанднинг отаси, икки нафар ширин набиранинг меҳрибон бобоси Шокир Равшанов букилмас иродаси, қилаётган меҳнатлари самараси ўлароқ, 2019 йилда “Жасорат” медални, “Ўзбекистон Конституциясига 25 йил” эсдалик нишони билан тақдирланган.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Муҳтож шахсга ижтимоий хизмат қандай кўрсатилади?

Жамила ТУРСУНОВА. Фарғона вилояти:

— Ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга кафолатланган ижтимоий хизматлар қандай асосда тақдим этилади? Шахсининг ўзгалар ёрдамига боғлиқлик ва муҳтожлик даражаси қайси халқаро методологик шкалалар орқали аниқланади?



Мирзоҳид МИРАҲМЕДОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
Фарғона вилояти бошқармаси
хуқуқшуноси:

— Ижтимоий реестрга киритилган ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга давлат кафолатланган ижтимоий хизматлар ва ёрдамларни ижтимоий хизмат кўрсатиш шартномаси асосида кўрсатади.

Ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг ўзгалар ёрдамига боғлиқлик даражаси Бартел (элементар ҳаракатлар) ва Лаутон (мураккаб ҳаракатлар) шкалалари орқали аниқланади.

Индивидуал ижтимоий хизматлар режасини “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази тасдиқлайди. У шахсни соғломлаштириш, ижтимоий хизмат кўрсатиш, уй-жой шароитини мослаштириш, ҳуқуқий муҳофаза ва кўнгилдиларни жалб этиш каби тадбирларни қамраб олади.



Боладаги ривожланиш билан боғлиқ муаммоларни илк ёшда аниқлаш ва ўз вақтида зарур ёрдам кўрсатиш келгусида унинг соғлом ҳаёт кечириши ҳамада таълим олиш имкониятларини кенгайтиришда муҳим омил ҳисобланади. Шу боис “Эрта аралашув” хизматининг жорий этилиши минглаб оилалар учун катта енгиллик яратади.

Фармонда яна бир муҳим жиҳат сифатида ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлар билан туғилган болаларни қўшимча тиббий текширувдан ўтказиш ва зарур жарроҳлик амалиётлари билан боғлиқ харажатларни Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ҳисобидан қоплаш тартиби ҳам белгилаб қўйилди. Бу эса эҳтиёжманд оилаларнинг моддий юқини камайтириш билан бирга, болаларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтиради.

Бир сўз билан айтганда, “Эрта аралашув” хизматининг йўлга қўйилиши мамлакатимизда болалар манфаатларини ҳимоя қилиш, ногиронлиги бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамада инклюзив жамият барпо этиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлиб хизмат қилади.



Раҳимжон ҲАМРОЕВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Тошкент
вилояти бошқармаси бош юриконсультанти.



Хукумат қарорига кўра, чет элликлар Ўзбекистонда 50 минг долларга МАХСУС СОЛИҚ ТАРТИБИГА ўтиши мумкин.



УЙ-ЖОЙЛАР СОЛИҚ БАЗАСИНИ унинг бозор баҳосидан келиб чиқиб ҳисоблаш тартиби белгиланди.



Сув омборлари, канал, коллектор, табиий кўл ҳамда гидротехника иншоотларини тупроқдан тозалаш ишларига тадбиркорлар ТЕНДЕРСИЗ ЖАЛБ ҚИЛИНАДИ.

2026 йил
27 МАЙ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №43

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

ТАРТИБ

Бугун маҳаллаларда кичик дўкон, оилавий кафе, тикувчилик цехи ёки хизмат кўрсатиш шохобчасини юритиб келаётган тадбиркорлар сони тобора кўпаймоқда. Аммо уларнинг аксариятини бир масала қийнайди: ортиқча ҳисобот, ҳужжатбозлик ва солиқ тизимидаги мураккаб жараёнлар...

МАЪМУРИЙ ЮКЛАМА КАМАЯДИ: ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ҚАНДАЙ ЕНГИЛЛИКЛАР БОР?

Нилуфар МУРОДОВА.

Кўпинча тадбиркор “ишимни қилайми ёки қозғ тўлдирайми?” деган савол ўртасида қолади. Айниқса, энди иш бошлаган ёки ҳисобчи ёллаш имконияти бўлмаган кичик бизнес эгалари учун бу жиддий муаммо ҳисобланади. Шу боис жорий йил 19 май куни қабул қилинган “Солиқ органлари фаолиятини институционал жиҳатдан такомиллаштириш ва солиқ маъмуриятчилигида замонавий ёндашув-

ларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони қўллаб тадбиркорлар учун муҳим енгилликлар эшигини очмоқда. Энг аввало, янги тартиблар маҳаллаларда фаолият юритаётган тадбиркорларни ортиқча овозагарчиликдан халос қилишга қаратилгани билан аҳамиятли. Энди солиқ ташкилотлари текширувдан олдин таҳлил ўтказиб, ҳисоботларда тафовут аниқлаган тақдирда, тадбиркордан қайта-қайта ҳужжат ёки аниқлаштирилган ҳисобот талаб қилмайди. Бу тартиб 2026 йил 1 июлдан бошлаб амал қилади.



Бу ўзгариш, айниқса, кичик тадбиркорлар учун енгиллик бўлади. Чунки кўпчилик маҳалла тадбиркорлари барча ишни ўзи бажаради — маҳсулот олиб келади, миқдор билан ишлайди, ҳисоб-китоб қилади. Энди улар вақтни ортиқча ҳужжат тайёрлашга эмас, бизнесини ривожлантиришга сарфлаши мумкин бўлади. Фармонда яна бир муҳим янгиллик — солиқ текширувларига ёндашув ўзгарди. Илгари айрим камчилик аниқланса, текширув хавфи пайдо бўларди. Энди эса хавф даражаси ўрта бўлган тадбиркорларга аввал хабардорнома юборилади. Агар улар бир ой ичида камчиликларни бартараф этса, солиқ текшируви ўтказил-

майди. Бу — “аввал жазо, кейин тушунтириш” эмас, балки “аввал тушунтириш, кейин назорат” тамойили кучайиб бораётганини аңглади. Айниқса, маҳаллада энди иш бошлаган тадбиркор учун бу жуда муҳим.



Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларига яна бир қўлайлик берилмоқда. 2026 йил 1 июлдан бошлаб, уларнинг танловига кўра, дастлабки 6 ой давомида солиқ ва молиявий ҳисоботларни юбориш хизматини “Солиқ сервис” акциядорлик жамияти бепул амалга оширади. Оддий қилиб айтганда, янги тадбиркорликни бошлаган инсон “қайси ҳисоботни қачон топшираман?”, деб сарсон бўлмайди. Мутахассислар унга амалий ёрдам беради.

Фармонда фермерлар манфаати ҳам унутилмаган. Энди туман фермерлар кенгашлари ҳузуридаги бухгалтерия ҳисоби марказлари “Солиқ сервис” тизимига ўтказилади. Бу фермерларга ҳисоб-китоб ишларини янада тартибли ва қўлай юритиш имконини беради.

Шунингдек, ҳужжатда ҳалол ишлайдиган тадбиркорларни рағбатлантириш чоралари ҳам назарда тутилган. Хавф даражаси паст бўлган солиқ тўловчилар учун ноль даражали солиқ ставкасини қўллаш ва кўчмас мулк бўйича ҚҚСни уч кун ичида автоматик қайтариш тартиби жорий этилади.

Бу ўзгаришлардан қўзланган асосий мақсад — маҳаллада меҳнат қилиб, ҳалол даромад топаётган инсонларга енгил шароит яратиш. Чунки кучли иқтисодиёт, аввало, маҳалладаги кичик бизнес ва тадбиркорликдан бошланади.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

Солиқ қарзи — мерос эмас, масъулиятдир!

Маҳалламизда одамлар бир-бирининг ҳолидан хабар олиб яшайди. Қувонч ҳам, ташвиш ҳам кўпинча бирга кечади. Солиқ инспектори сифатида мен одамларнинг турмуши, оилавий аҳволи ва муаммолари билан юзма-юз келаман. Айрим вазиятлар эса нафақат ҳуқуқий, балки инсоний ёндашувни ҳам талаб қилади.

Аҳаджон КОМИЛОВ, Иштихон туманидаги “Деҳқонобод”, “Пиллакор”, “Нурафшон”, “Меҳнатобод” маҳаллалари солиқ инспектори.




Яқинда маҳалламизда шундай ҳолат кузатилди.



Узоқ йиллар тадбиркорлик қилиб келган фуқаро тўсатдан вафот этди. Унинг кичик дўкони, уй-жойи ва бироз солиқ қарзи ҳам мавжуд эди. Оила аъзолари қайғу билан овора бўлган бир пайтда уларнинг энг катта хавотири “энди бу қарз нима бўлади?”, деган савол бўлди. Айримлар “марҳумнинг қарзи фарзандларига тўлиқ ўтиб кетар экан”, деган гапларни ҳам айтди. Аслида эса қонун бу масалага аниқ ва адолатли ечим берган. Солиқ кодексининг 94-моддасига кўра, вафот этган жисмоний шахснинг солиқ қарзи унинг меросхўрлари томонидан мерос қилиб олинadиган мол-мулк қиймати доирасидагина туланади. Яъни инсоннинг қарзи фарзандлари ёки яқинларининг бўйнига чек-чегарасиз юк бўлиб тушмайди. Қанча мол-мулк мерос бўлиб ўтган бўлса, масъулият ҳам шу доирада белгиланади. Энг муҳими, ҳисобланган пеня ва жарималар ундирилиши умидсиз сумма сифатида эътироф этилади.

Ўша хонадонда ҳам вазият-ни тушунтириб берганимиздан кейин одамларнинг кўнгли анча хотиржам бўлди. Марҳумнинг икки нафар фарзанди бор эди. Улар мерос сифатида қолган уй ва дўконнинг маълум қисмига эгаллик қилди. Солиқ қарзи ҳам уларнинг меросдаги улушига мутаносиб тарзда белгиланди. Ортиқча босим ёки адолатсиз талаб қўйилмади. Чунки қонуннинг асосий мақсади — ҳазолаш эмас, адолатни таъминлашдир.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шахноза ХАЛИДОВА тайёрлади.

Солиқ, бу — фақат тўлов эмас, жамият олдидаги масъулият. Лекин давлат ҳам фуқаронинг оғир кунда унинг аҳволини инобатга олади. Қонунлардаги ана шу мувозанат — адолатнинг энг муҳим белгисидир.



ОНЛАЙН ХИЗМАТ

ИДОРАГА БОРИШГА ХОЖАТ ЙЎҚ, УЙДАН ТУРИБ МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!

Кўпчилик солиқ билан боғлиқ муаммога дуч келганда, қаерга ва қандай мурожаат қилишни билмай сарсон бўлади.

Сожида ЭШМАТОВА.

Масалан, тадбиркор солиқ қарзи нега чиққанини тушунмайди, аммо ишидан ортиб, солиқ идорасига боришга вақти йўқ. Ёки пенсия ёшидаги инсон мол-мулк солиғи бўйича имтиёз масаласини аниқлаштирмоқчи бўлади, лекин кимга мурожаат қилишни билмайди. Айримлар эса интернет орқали мурожаат қилиш мумкинлигидан беҳабар. Натижада оддий масала ҳам оилаб ҳал бўлмай қолаверади. Аслида, бугун бундай муаммоларни уйдан чиқмасдан туриб ҳал қилиш имконияти мавжуд. Солиқ ташкилотлари ва аҳоли ўртасида очиқ ва тезкор мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида “Солиқ органлари билан қайта алоқа” интерактив ахборот тизими жорий этилган. Ушбу платформа орқали фуқаролар ўз мурожаати, таклифи ёки солиқ қонунчилигига оид саволларини онлайн тарзда бориши мумкин.

Хизматдан фойдаланиш учун Солиқ қўмитасининг расмий сайтга кирилади. Сунг “Давлат хизматлари” бўлимидаги “Солиқ органлари билан қайта алоқа” ахборот тизими танланади.

Тизим автоматик равишда фойдаланувчини рўйхатдан ўтиш саҳифасига йўналтиради. Юридик шахслар тизимга электрон калит орқали киради. Яқка тартибдаги тадбиркорлар эса электрон рақамли имзодан ташқари телефон рақами орқали ҳам рўйхатдан ўтиши мумкин. Жисмоний шахслар ва ўзини ўзи банд қилган фуқаролар “Soliq” мобил иловасига уланган телефон рақамини киритади. Рўйхатдан ўтилгандан кейин “Хабар юбориш” тугмаси босилади. Очилган ойнада мурожаат ёки савол матни ёзилади. Зарур бўлса, тегишли файлни ҳам илова қилиш мумкин. “Кейинги қадам” тугмаси босилади ва мурожаат автоматик тарзда рўйхатга олинади. Мурожаатлар йўналиши бўйича сараланиб, тегишли масъул ходимга юборилади. Агар савол тушунарсиз бўлса ёки солиқ ташкилоти ваколатига кирмаса, мурожаат сабаби кўрсатилган ҳолда рад этилиши мумкин.

Яна бир қўлай жиҳати — платформада энг кўп учрайдиган саволларга жавоблар ва фойдали видео қўлланмалар ҳам жойлаштирилган. Бу эса фуқароларнинг вақт ва ортиқча овозагарчилигини камайтиришга хизмат қилмоқда.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Беҳзод ДИЛМУРОДОВ. Навоий вилояти:

— Мен яқка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият юритаман. Оилавий шароитим сабабли бир неча ой муддатга тадбиркорлик фаолиятимни вақтинча тўхтатмоқчиман. Шу ҳолатда фаолиятни қонуний тартибда қандай тўхтатаман?

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВАҚТИНЧА ҚАНДАЙ ТЎХТАТИЛАДИ?

Сирожиiddин АҲАДОВ, ҳуқуқшунос, адвокат:

— Агар сиз яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини вақтинчалик тўхтатишни режалаштираётган бўлсангиз, фаолиятни тўхтатгунга қадар тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказувчи органга тегишли ариза билан мурожаат қилишингиз шарт. Ариза билан бир вақтда давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани ҳам топширишингиз лозим. Мазкур тартиб тадбиркорлик фаолиятини қонуний равишда вақтинча тўхтатиш ҳамда бу ҳақдаги маълумотларни ваколатли органларда қайд этиш мақсадида амалга оширилади.

Ушбу қоида Солиқ кодексининг 392-моддасида назарда тутилган. Мазкур моддага кўра, фаолиятингиз белгиланган тартибда вақтинчалик тўхтатилган давр учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаш солиқ ташкилотига тегишли маълумот келиб тушган кундан эътиборан тўхтатиб турилади. Шунингдек, Солиқ кодексининг 408-моддасига асосан, фаолият вақтинчалик тўхтатилган давр учун ижтимоий солиқ ҳам ҳисобланмайди.



“Сўнги кўнфироқ” куни 200 дан ортиқ ўқувчи МАКТАБГА МАШИНА БОШҚАРИБ КЕЛГАНИ аниқланди.



Ўзбекистон Қатар билан ҲАРБИЙ ҲАМКОРЛИК бўйича меморандум имзолади.



Ўзбекистон мерганлари Туркияда бўлиб ўтган “ЭНГ ИЛҒОР МЕРГАНЛАР ЖАМОАСИ” мусобақасида биринчи ўринни эгаллади.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА,
ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

ЖИНОЯТНИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАДИНГИЗ?

ҲАЛОВАТДАН КЕЧМАСАНГИЗ ХОТИРЖАМ БЎЛОЛМАЙСИЗ



Ҳеч эътибор қилганмисиз, дуога қўл очган юртдошимиз борки, Ватанга тинчлик, элга осойишталик тилайди. Зеро, бундай муҳитда тараққиёт, фаровонлик, кўнгилларда хотиржамлик ҳукм суради, ота-оналар чўчимасдан боласини мактабга кузатади. Бошланган эзгу ишлар ниҳоясига етказилади, қалбларни эртанги кунга ишонч ҳисси тўлдиради.

Давлатбай БЕГЖАНОВ,
Нукус шаҳридаги “Турон”
маҳалласи профилактика
инспектори.

Лекин ораимизда шу неъматнинг қадрига етмайдиган инсонлар ҳам учраб туради. Уларга қарата, шукр қилинг, юртимиз тинч, оилангиз бағрида хотиржам яшаб юрибсиз, десангиз, истеҳзо билан қўлишлари ҳам бор гап. Ваҳоланки, тинчликнинг шукронаси амалий бўлса, натижаси ижобийдир. Яъни, инсонлар нафақат унинг қадрига етиб, шукрини адо этиши, балки ношукрлик қилиб путур етказишдан ҳам сақланиши, келиб чиқиши мумкин бўлган нотинчликнинг олдини олишда фаол иштирок этиши лозим. Чунки бир хонадонда тинчлик бузилса, нажот истаб, аввало, маҳаллага келинади. Оиладаги “кўйди-чиқди” муаммолари, ғам-ташвишлар маҳалла кўмағида ҳал этилади.

Тажрибамдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, бу борада “еттилик” ходимлари, аввало, ибрат, кейин етакловчи бўлиши керак. Бунинг учун одамларга қайғурадиган, ҳаловатидан кечиб бўлса-да, маҳалласи осойишталиги деб олиб-юғурадиган фидойилар зарур. Агар “еттилик” аҳолини етаклай олса, ечилмас муаммо қолмас экан.

Ушбу сон
саҳифаларидаги
барча мақолалар
матнтини мусахҳиҳ
Феруза ФУЗАЙЛОВА
ўқиди.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

ГИЁҲВАНДЛИК — НАСЛИМИЗНИ ВА АСЛИМИЗНИ БУЗУВЧИ ИЛЛАТ

Гиёҳвандлик ҳақида эшитганда, таназулға учраётган оилалар, етим қолаётган фарзандлар, эрта хазон бўлаётган йигиту қизлар кўз олдимишга келади. Дарҳақиқат, бу иллат, нафақат бир инсонга, балки бутун жамиятга катта зиён етказади.



Тошкент шаҳар ички ишлар
бошқармаси ахборот хизмати.

У боис жорий йил Президентимиз раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида хавфсиз муҳит яратиш бўйича “пойтахт намунаси”ни амалиётга жорий этиш борасидаги вазифаларнинг бош мавзуси — гиёҳвандликка қарши курашиш эди. Жорий этилган янги тажрибага кўра, республиканинг барча маҳаллаларида амалий ишлар бошлаб юборилди. Худудларга турли хилдаги замонавий камера, ташвиш тугмаси ҳамда тунги чироклар ўрнатилди. Ҳуқуқбузарлик содир этилиши мумкин бўлган жойларда кўшимча патруллик гуруҳлари ташкил этилиб, хавфсизлик чоралари қучайтирилди.

Бугун бу чора-тадбирлар ўз натижасини бера бошлади. Жараёнда профилактика инспекторлари фаоллик кўрсатаётгани қувонарли ҳол. Мисол учун, жорий йил Сергели туманида ўтказилган “Қорадори — 2026” тезкор тадбирида “Хонобдтепа” маҳалласи профилактика инспектори Абдурахим Қаюмов гиёҳвандлик воситаларини тарқатиб юрган икки нафар шахсни қўлга олди. Гумонланувчилардан далилий ашё сифатида 114 дона қадокда 77 грамм гашиш гиёҳвандлик воситаси олинди. Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилди.



Яна бир ҳолатда Олмazor туманидаги “Хончорбоғ” маҳалласи профилактика инспектори Ғуломжон Нўъмонов ва худудда дуалъ таълим асосида бириктирилган Ички ишлар академияси курсанти Оғабек Нўъмоновлар йирик миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини тарқатмоқчи бўлган шахснинг фаолиятига чек қўйишди.

Қўлга олинган шахс билан ўтказилган суҳбатдан сўнг тезкор тадбир туман жиноят қидирув бўлими, Давлат хавфсизлик хизмати ва Олмazor тумани прокуратураси ходимлари билан давом эттирилди. Натижада жиноятчилар яна маҳалланинг 20 та жойига сотиш учун воситалар кўмиб қўйгани маълум бўлди. Шунингдек, фуқаронинг яшаш манзили кўздан кечирилганда 200 грамм восита аниқланди. Уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, гумонланувчилар эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинди.

Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.



Қандай автомобилларни бошқариш мумкин эмас?

Достон ТЕМИРОВ,
Янги Наманган
тумани:

— Шу кунларда ишлаб чиқарилганига 50 йил бўлган автомобилни бошқариш мумкин эмаслиги ҳақида гап-сўзлар кўпайди. Шу гаплар рост бўлса, эски автомобилларни рўйхатдан чиқариш учун нима қилиш керак ва бунга тўлов борми? Қолаверса, қонунчиликдаги янги — “антиквар автомобиль” атамасига изоҳ бериб ўтсангиз.

Бекмурод БЕКИМБЕТОВ,
Ички ишлар вазирлиги
Жамоат хавфсизлиги
департаменти ахборот
хизмати ходими:

— Дарҳақиқат, жорий йил “Йўл ҳаракати соҳасини рақамлаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2026 йилнинг 1 февралидан бошлаб, ишлаб чиқарилганига 50 йил ва ундан ортиқ вақт бўлган транспорт воситаларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш, уларни рўйхатдан ўтказиш тақиқланади. Бундай автотранспорт воситалари давлат рўйхатидан чиқарилади. Янада тушунарлироқ қилиб айтганда, энди 1975 йил ва ундан паст йилларда ишлаб чиқарилган транспорт воситаларидан фойдаланиш мумкин эмас.



Аммо айрим ҳолатлар мавжуд. Яъни, қонунчиликда янги — “антиквар транспорт воситалари” атамаси пайдо бўлди. Бу — ишлаб чиқарилганига 50 йил ва ундан ортиқ вақт бўлган, асл ҳолати, тузилиши ва асосий агрегатларини сақлаб қолган

автотранспорт воситалари ҳисобланади. Шу каби автотранспортларни давлат рўйхатидан ўтказишда уларга алоҳида “ANT” сериали давлат рақами белгилари берилди. Қайд этиш лозимки, бу хизматларнинг барчаси бепул кўрсатилади.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шох кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер
марказида саҳифаланди ва
офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380х587, 4 б.т.
8 847 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-520



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмасининг ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар
агентлиги томонидан
2024 йил 7 майда
№271590 рақами билан
давлат рўйхатидан ўтказилган.